

Улкан шафоат | Ақийда дарслари (240-дарс)



19:00 / 14.08.2023 2956

Шафоат Қуръони Карим ва ҳадиси шариф ила собит бўлган ёрқин ҳақиқатдир. У ақлан жоиз ва шаръан вожиб нарсадир. Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби шунга иттифоқ қилгандир. Фақат хаворижлар ва мўътазилийлар бунга хилоф қилишган. Улар ўзларининг «Гуноҳкорлар дўзахда абадий қолурлар» деган фикрларига таассуб қилиб (кўр-кўроне ёпишиб олиб), шу фикрга келганлар. Ҳозирги кунда ҳам баъзи бир хавориж ёки мўътазилий фикрида бўлиб, шафоатни инкор қиласиганлар онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Улар ўз фикрларига далил ҳам келтирадилар.

Биринчи далиллари Муддассир сурасидаги

الشَّفِيعَيْنَ شَفَعَةٌ نَفَعُهُمْ فَمَا
48

«Бас, уларга шафоатчиларнинг шафоати манфаат бермайдир» оядидир (48-оят).

Иккинчи далиллари Ғофир сурасидаги

يُطَاعُ شَفِيعٌ وَلَا حَمِيرٌ مِنْ لِلظَّالِمِينَ مَا

«Золимлар учун ҳеч бир қадрдон ҳам, итоат қилинадиган шафоатчи ҳам йўқ» оятидир (18-оят).

Улар бу оятларни далил қилишлари хатодир. Чунки бу икки оят кофирлар ҳақида келган. Шафоат эса мўмин-мусулмонлар ҳақида бўлади.

Шафоат беш қисмга бўлинади:

Биринчи қисм: Улкан шафоат. Бу шафоат барча халойиқ учун бўлиб, одамлар маҳшар даҳшатидан бир озроҳатлантирилади ва ҳисоблари тезлаштирилади.

Иккинчи қисм: Баъзи қавмларни жаннатга ҳисоб-китобсиз киритиш учун бўлади. Бу икки шафоат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёлғиз ўзларига хосдир.

Учинчи қисм: Баъзи аҳли жаннатларнинг жаннатдаги даражаларини зиёда қилиш учун бўлади.

Тўртинчи қисм: Баъзи дўзахга тушиши вожиб бўлган қавмларни ундан қутқариб қолиш учун бўлади.

Бешинчи қисм: Баъзи гуноҳкорларни дўзахдан чиқариб олиш учун бўлади.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хulosаси асосида чоп этилган.